

## ТАСДИҚЛАЙМАН

Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий  
ишлар бўйича биринчи проректор  
Х.Ҳақимов  
август 2022 йил



### Талабалар (ўқувчилар) турар жойида ходимларнинг навбатчилигини қайд этиш журналини юритиш ТАРТИБИ

1. Мазкур журнал навбатчи томонидан навбатчилик ўтишини қайд этиш хужжати ҳисобланади.
2. Журналга навбатчининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми ёзилиб, навбатчилик бошланган сана ва вақти кўрсатилган ҳолда унинг имзоси билан тасдиқланади.
3. Навбатчи навбатчилик бошланишидан олдин навбатчилик хонасида мавжуд бўлган телефонлар орқали олий ва ўрта махсус профессионал таълим муассасалари Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғига, тегишли ташкилотларга навбатчиликка киришганлиги тўғрисида хабар беради ва керак бўлган маълумотларни етказиши мумкин. Ушбу ҳолат журналга тегишлича қайси ташкилотга, қачон ва қайси телефон рақами орқали ҳамда етказилган маълумот мазмунини кўрсатган ҳолда қайд қилинади.
4. Навбатчиликни ўташ вақтида навбатчи Талабалар (ўқувчилар) турар жойи (кейинги ўринларда турар жойи деб юритилади) ҳудудини текшириши ва ўрганиш натижасини баён қилиши, мавжуд қондаларга турар жойида яшовчилар томонидан риоя қилиниш ҳолати, хусусан Талабалар (ўқувчилар) турар жойи тўғрисида низом, Талабалар (ўқувчилар) турар жойи ички тартиб қондалари ҳамда одоб-ахлоқ қондаларига риоя қилиниши кўрсатилади. Муайян қоидабузарликлар аниқланган, шу жумладан турар жойида олиб борилаётган видеокузатув мосламаларида акс эттирилган ҳолларда тегишлича журналга қайд қилинади.
5. Навбатчилик ўташ вақтида навбатчи турар жойида паспорт режимига риоя қилинишини назорат қилади. Ташқаридан бегона шахслар келган ҳолларда уларнинг хужжати ва келишдан мақсадини аниқлайди. Талаба ёки тингловчи томонидан турар жойига кириш-чиқиш тартиби бузилган ҳолларда навбатчи улардан тушунтириш хати олади ва бу ҳақда журналга ёзилади.
6. Барча қаватларда талабалар учун яратилган шароитларни ўрганган ҳолда навбатчи уларнинг талаб даражасида эканлиги ёки камчиликлар мавжудлигини аниқлайди. Навбатчи ходим турар жойининг яшаш хоналари, дам олиш жойларидан тўғри фойдаланишни, тозалик ва тартибни ташкил этишни, улардаги жиҳозлардан тўғри ва унумли фойдаланишни қоида тарикасида шахсан ҳар бир хонага кириб, текшириб чиқади ва унинг натижасини тегишлича журналга киритади.
7. Навбатчиликни ўташ вақтида умумий фойдаланиш жойлари, хусусан ошхона, ювиниш хонаси, хожатхоналар, шунингдек улардаги жиҳозлар бутлиги, тоза ва озодлиги, санитария-гигиена, шу жумладан сантехника қурилмалари, иссиқлик, газ, электр таъминоти тизимлари ҳолати текширилиши лозим.
8. Навбатчилик вақтида турар жойида мавжуд ёнғин хавфсизлиги воситалари ва сигнализатсиялар ҳолати, турар жойида олиб борилаётган видеокузатув мосламалари соғлиги, биринчи ёрдам кўрсатиш имконияти яратилганлиги ўрганилиб, мавжуд ҳолат журналда акс эттирилади.

9. Навбатчи ходим турар жойида газета-журналларнинг сўнги сонлари билан таъминланганлик ҳолати, хусусан қайси газета ва охириги сони мавжудлигини, талабалар билан ўтказилган суҳбат, тушунтириш олиб борилганлигини қайд этади. Бунда тарбиявий ишларнинг мавзуси, қават ва хона акс эттирилади ҳамда ушбу ишлар олиб борилган талабалар имзоси билан қайд қилинади.

10. Навбатчи ходим наватчилик ўташ вақтида аниқланган камчиликлар ва юзага келган ҳолатларни баён қилиб, ўзининг таклифларини билдиради.

11. Навбатчиликни қайд қилиш журналига наватчи ходим тегишли қайдлар киритилгандан сўнг, наватчилик тугаган сана ва вақти аниқ кўрсатилиб, унинг имзоси қўйилади. Навбатчилик тугаганлиги ҳақидаги қайд фақат наватчилик тугагандан сўнг киритилади.



**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
**Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий**  
**ишлар бўйича биринчи проректор**  
**Х.Ҳакимов**  
“ \_\_\_\_\_ ” август 2022 йил

**Талабалар (ўқувчилар) турар жойида яшайтган талабалар (ўқувчилар) ва**  
**тингловчиларни йўқлама қилиш журнални юритиш**  
**ТАРТИБИ**

1. Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари Талабалар (ўқувчилар) турар жойи (кейинги ўринларда турар жойи деб юритилади)да яшайтган талабалар ва тингловчиларни йўқлама қилиш журнали (кейинги ўринларда журнал деб юритилади) ходимлар томонидан навбатчилик ўташ вақтида талабалар ва тингловчилар йўқламасини кайд этиш хужжати ҳисобланади.

2. Журналга талаба ва тингловчининг фамилияси, исми, отасининг исми турар жойида мавжуд бўлган, тасдиқланган рўйхат асосида киритилади. Ушбу рўйхат турар жойинга талабаларни жойлаштириш бўйича комиссиянинг қарори асосида турар жойи раҳбари томонидан шакллантирилади ва тасдиқланади.

3. Навбатчи Талабалар (ўқувчилар) турар жойи ички тартиб қоидаларида белгиланган вақтда талабалар ва тингловчилар давоматини текширади, турар жойида бўлмаган талабаларга ва тингловчиларга “й” (ёки “н/б”) белгисини қўяди. Сабабли турар жойида бўлмаган талабаларга ва тингловчиларга қўйилган “й” ёки “н/б” белгиси асослантирувчи хужжат (маълумотнома) тақдим этилгандан сўнг доирага олиб қўйилади.

4. Кечки йўқламани навбатчи қоида тариқасида шахсан ўзи ҳар бир хонага кириб амалга оширади ва имзо қўяди. Навбатчи йўқламада узрли сабабларсиз бўлмаган талабалар ҳақида маълумотни навбатчиликдан сўнг эртаси кунига Маънавият ва маърифат маркази ва турар жойи раҳбари билдирги орқали тақдим этади. Навбатчи журнални ўз вақтида тўлдириши лозим.

5. Турар жойи раҳбари ҳар hafta охирида журнални қўздан кечиради, унга киритилган маълумотларни таҳлил қилади, тегишли хулосалар чиқаради ва чоралар кўриш юзасидан олий ва ўрта махсус профессионал таълим муассасаси ёшлар билан ишлаш бўйича проректорига (директор ўринбосарига) тақлиф киритади.

6. Турар жойи раҳбари навбатчи томонидан навбатчилик ўталмаган ҳолатда журналга санани кайд этиб, “навбатчи келмади” деб ёзиб қўяди ва бу ҳақида олий ва ўрта махсус профессионал таълим муассасаси ёшлар билан ишлаш бўйича проректорига (директор ўринбосарига) маълумот киритади.



**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
**Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий**  
**ишлар бўйича биринчи проректор**  
**Х.Ҳакимов**  
**август 2022 йил**



**Ходимларнинг талабалар (ўқувчилар) турар жойда навбатчилиқни ўтказиш тўғрисида намунавий НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Мазкур Низом Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари (кейинги ўринларда таълим муассасалари деб юритилади) Талабалар (ўқувчилар) турар жойи (кейинги ўринларда турар жой деб юритилади)да навбатчилик ўтказишни ташкил қилиш, навбатчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**навбатчи** – навбатчилик жадвалига мувофиқ навбатчилик ўтовчи педагог ва бошқа ходим;

**навбатчилик жадвали** – навбатчиликни амалга ошириш юзасидан доимий назоратни таъминлаш мақсадида, ҳар ўқув йили учун таълим муассасаси раҳбари буйруғи билан тасдиқланган жадвал;

**яшовчи** – турар жойда яшаётган таълим муассасалари талабаси (ўқувчиси).

**2-боб. Навбатчиликнинг мақсад ва вазифалари**

3. Навбатчиликни ташкил қилишдан мақсад турар жойнинг хавфсиз фаолияти учун шарт-шароитлар яратиш, талабалар хавфсизлигини узлуксиз равишда таъминлаш, ёшлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, таълим муассасалари ходимлари ва талабалари ўртасида ўзаро мулоқот маданиятини ривожлантириш, барча яшовчилар томонидан Талабалар (ўқувчилар) турар жойи тўғрисида низом, Талабалар (ўқувчилар) турар жойи ички тартиб қондалари ва таълим муассасалари одоб-ахлоқ қондаларига риоя қилишни таъминлаш.

4. Навбатчиликнинг вазифалари:

турар жойда тозалик ва тартибни, мол-мулк сақланишини;

турар жойда бегона шахслар ва шубҳали предметлар бўлмаслигини;

турар жой бинолари ва уларга туташ ҳудудларнинг санитар-гигиеник ҳолатини коникарли даражада сақлаш, иссиқлик таъминоти, сув-оқава, электр, телефон алоқа тизимларининг нормал ва хавфсиз бўлишини;

фавқулодда вазиятлар юз берганда, тезкор ҳаракат қилиш ва тегишли чоралар кўришни таъминлаш.

**3-боб. Навбатчиликни ташкил қилиш**

5. Навбатчиликни ташкил қилиш ва унга раҳбарлик қилиш таълим муассасалари ёшлар билан ишлаш бўйича проректори (директор ўринбосари)га юклатилади.

6. Навбатчилик тўлиқ ўқув йили давомида ҳар куни, шу жумладан байрам ва дам олиш кунлари ташкил қилинади. Навбатчиликка таълим муассасаларининг асосий штатда ишловчи ходимлари жалб қилинади.

7. Навбатчилик жадвалига асосан, навбатчилик ҳар куни 18.00 дан 08.00 гача ўтказилади. Дам олиш ва байрам кунлари навбатчилик соат 08.00 дан бошлаб 24 соат давом этади.

Навбатчиликнинг ўтиши юзасидан эътироз ва тақлифлар навбатчи хонасида сақланган навбатчиликни қайд этиш журнаliga ёзиб борилади. турар жой мудирини ушбу навбатчиликни қайд этиш журналин юритилишига масъул ҳисобланади.

Навбатчиликни қайд этиш журналин мазкур низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ рақамийлаштирилади.

8. Талабаларни турар жойига кириш Талабалар (ўқувчилар) турар жойи ички тартиб қондаларига асосан, тегишли ҳужжат асосида амалга оширилади. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида, бегона шахсларни турар жойига кириши таъқиқланиши мумкин.

Айрим ҳолларда турар жойига киришга руҳсат берилган бегона шахсларни Ф.И.Ш., келиш мақсади, турар жойига кириш ва чиқиб кетиш вақтини навбатчи белгиланган тартибда тегишли журналга кайд килиши лозим.

9. Турар жойи раҳбари навбатчилик жадвалига риоя қилиниши устидан назорат қилади ва навбатчи бўлмаган ҳолларда Ёшлар билан ишлаш, маънавийат ва маърифат бўлими бошлигини хабардор қилади.

#### **4-боб. Навбатчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

10. Навбатчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

навбатчилик вақтида яшовчилардан Талабалар (Ўқувчилар) турар жойи тўғрисида низом, Талабалар (Ўқувчилар) турар жойи ички тартиб қоидалари ва таълим муассасалари одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишни талаб қилиш;

яшовчи учун мажбурий кўрсатмалар бериш;

яшайдиган хоналарни санитария-гигиена талабларига, ички тартиб қоидаларга риоя қилинишини таъминлаш мақсадида кириб текшириш;

турар жойига кирувчи ёки кирган бегона шахслардан шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш;

навбатчилик вақтида Талабалар (Ўқувчилар) турар жойи тўғрисида низом, Талабалар (Ўқувчилар) турар жойи ички тартиб қоидалари ва таълим муассасаси одоб-ахлоқ қоидаларини бузган, шу жумладан турар жойига белгиланган вақтдан кечикиб келган яшовчидан мавжуд ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида, туншунтириш олиш ва тегишли чора кўриш бўйича таълим муассасаси ёшлар билан ишлаш бўйича проректори (директор ўринбосари)га таклиф киритиш;

навбатчилик вақтида аниқланган камчиликлар ва юзага келган ҳолатларни олдини олиш мақсадида, таълим муассасаси раҳбариятига таклифлар киритиш.

11. Навбатчи қуйидаги мажбуриятларни бажаради:

навбатчиликни ўташга қатъий равишда ўз вақтида киришиш ва навбатчиликни тўлиқ ўталмай қолишига йўл қўймаглик;

навбатчиликка киришганлиги ҳақида Ёшлар билан ишлаш, маънавийат ва маърифат бўлими бошлиғи ҳамда тегишли ташкилотларни хабардор қилиш ва сўралган маълумотларни етказиш;

навбатчилик вақтида таълим муассасалари ёшлар билан ишлаш маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори руҳсатсиз навбатчиликни ташлаб кетмаслик;

навбатчилик бошланишидан олдин ва якуни юзасидан навбатчиликни кайд этиш журналини шахсан тўлдириш, белгиланган телефон рақамлар орқали тегишли маълумотларни етказиш, фавқулодда ҳолатларда зарур бўладиган телефон рақамлари рўйхати мавжудлиги, ёнгин хавфсизлиги воситалари, сигнализатсиялар, турар жойда олиб борилаётган видеокузатув мосламалари, эшик қулфлари ва бошқаларни созлигини текшириш, камчиликлар аниқланган ҳолларда турар жой раҳбарини хабардор қилиш ва тегишли журналда кайд этиш;

турар жойда тозалikka, Талабалар (Ўқувчилар) турар жойи ички тартиб қоидалари ва таълим муассасаси одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилинишини қатъий назорат қилиш, талабалар билан туншунтириш, тарбиявий ишларни амалга ошириш;

навбатчилик бошланишида ва тугаш вақтида турар жой ҳудудини текшириш;

газета ва журналларнинг сўнгги сонлари билан таъминланганлигини, уларнинг сақланишини назорат қилиш;

ҳар бир хонанинг санитария-гигиена ҳолатини, шу жумладан гигиена хонаси (ҳожатхона, ҳаммом, ошхона ва ҳ.к.)ни текшириш;

турар жойдаги мавжуд сантехника қурилмалари, иссиқлик, газ, электр таъминоти тизимлари ҳолатини аниқлаш мақсадида, турар жой каватларини текшириш ва улардан оқилона фойдаланишни назорат қилиш;

яшаш хоналарида яшовчилар борлигини қоида тарикасида шахсан текшириш (йўқлама қилиш) ва тегишли журналга кайд этиш, улар Талабалар (Ўқувчилар) турар жойи тўғрисида низом, Талабалар (Ўқувчилар) турар жойи ички тартиб қоидалари ва таълим муассасаси одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилинишини, узрли сабабларсиз турар жойда бўлмаган яшовчи аниқланган ҳолларда турар жой раҳбарини хабардор қилиш;

турар жой каватларида тартиб-қоидаларга риоя қилинишини таъминлаш;



хуқукбузарликларни олдини олиш, талабалар билан суҳбат ҳамда тегишли тушунтиришлар ўтказиш, заруратга кўра маслаҳатлар ташкил этиш;

талабалар мустақил таълим олишларини текшириш ва зарур ҳолларда ёрдам кўрсатиш;

Талабалар (ўқувчилар) турар жойи ички тартиб қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш;

турар жойга келувчиларни назорат қилиш;

турар жойга бегона шахсларни руҳсатсиз киришига йўл қўймаслик, ушбу шахслар аниқланган ҳолатда уларни турар жойдан чиқиб кетиши учун зарур чораларни кўриш;

фавқулодда ҳолатларда тегишли тезкор чоралар кўриш;

коммунал хизматларда узилишлар рўй берганда ва бошқа авария ҳолатларида турар жой раҳбари ва таълим муассасаси раҳбариятини хабардор қилиш;

эвакуатсия режаси, ёнгин хавфсизлиги воситалари ва сигнализатсиялар жойлашган жойни билиш ва улардан фойдалана олиш;

навбатчилик вақтида содир бўлган низоли ҳолатларни бартараф этиш;

навбатчилик вақтида аниқланган камчиликлар, шу жумладан манший-хўжалик соҳасидаги носозликлар, яъни несик ва совук сув, ёриткичлар билан таъминлаш, умумий фойдаланиш жойлари талабга жавоб бермаслиги, шунингдек тартибузарликлар ҳақида навбатчиликни қайд этиш журналига ёзиш ва тегишли шахсларга хабар бериш;

бегона шахслар томонидан ножўя ҳаракатлар, хуқукбузарлик ҳаракатлари содир этилган ҳолларда, турар жой раҳбари ва таълим муассасаси раҳбариятини хабардор қилиш ҳамда хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;

турар жойда яшаётган талабалар (ўқувчилар)ни йўқлама қилиш журнали мазур низомнинг 2-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ расмийлаштирилади.

12. Навбатчилик давомида навбатчининг кўрсатмалари яшовчилар учун мажбурий ҳисобланади.

13. Навбатчи турар жойда белгиланган вақтда ташки эшиклар қулфланишини таъминлайди ва яшовчиларни ўз жойларида бёр ёки йўқлиги ҳақида, шунингдек турар жойга бегона шахслар келган ёки келмаганлиги ҳақида ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғига маълумот беради.

Навбатчи навбатчилик вақтида навбатчилик хонасидаги мол-мулк, ёнгин хавфсизлиги воситалари, телефон, ёруғлик ва хужжатлар сақланиши учун жавобгар шахс ҳисобланади.

14. Турар жойи раҳбари навбатчига навбатчилик вақтида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилинишини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашади.

#### **5-боб. Яқиний қоидалар**

15. Мазкур низомга, навбатчилик жадвалига риоя қилмаслик, навбатчилик ўташни рад этиш – навбатчилик ўташга нисбатан масъулиятсизлик билан ёндашиш ҳисобланади ва таълим муассасаси ички тартиб қоидаларига мувофиқ интизомий жавобгарлик чорасини қўллашга асос бўлади. Ушбу ҳолат моддий зарар етишига сабаб бўлса, у ҳолда ходим белгиланган тартибда моддий жавобгарликка ҳам тортилади.

16. Навбатчи ўз фаолияти давомида содир этилган хуқукбузарликлар учун фуқаролик, маъмурий, жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ ҳам жавобгар ҳисобланади.

ТАСДИҚЛАЙМАН

Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий  
ишлар бўйича биринчи проректор

Х.Ҳакимов

август 2022 йил



Талаба (ўқувчи)лар турар жойи тўғрисида шартномавий  
НИЗОМ

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси Талаба (ўқувчи)лар турар жойи (кейинги ўринларда турар жойи деб юритилади)да яшашнинг умумий қоидалари, олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари, талабалари (ўқувчилари)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Турар жойида талабаларнинг яшashi, ўз устида мустақил ишлаши, дам олиши ҳамда спорт, санъат ва бошқа клубларда катнашиши учун шароитлар яратилади.

3. Турар жойи ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳайъат қарорлари буйруқлари, олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси Устави, Кенгаши қарорлари, олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси ректори (директори)нинг буйруқлари ҳамда мазкур низомга мувофиқ олиб боради.

4. Турар жойида яшовчилар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган қоидалар асосида вақтинча рўйхатга олинадилар. Рўйхатга олиш ишларини ташкил этиш турар жойи раҳбари томонидан таъминланади.

5. Турар жойига олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси ходимлари ва талабалар (ўқувчи)нинг оила аъзолари ҳамда бегона шахсларни яшаш учун рухсат бериш катъиян ман этилади.

6. Турар жойида яшаганлик учун тўлов белгилаш ва унинг миқдори олий таълим муассасаси ҳамда II-синф базасида тўлов-шартнома асосида ўқувчилар қабул қиладиган профессионал таълим муассасаларида педагогик Кенгаш қарори билан белгиланади. Тўлик давлат таъминотида бўлган касб-хунар мактаблари ва академик лицейларда турар жойи учун тўлов амалга оширилмайди.

**2-боб. Турар жойида яшовчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

7. Турар жойида яшовчиларнинг ҳуқуқлари:

турар жойи биноларидаги маданий-маиший жиҳозлардан фойдаланиш;

фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келган жиҳоз, мебел ва бошқа мулкларни таъмирлаш, янгилаш ҳамда маиший хизматлардан фойдаланишда юзага келган камчиликларни бартараф этишни сўраб турар жойи раҳбариятга мурожаат қилиш;

турар жойида ўтказиладиган оммавий, маданий, спорт ва тарбиявий тадбирларда иштирок этиш;

яратилган шарт-шароитлар бўйича олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси раҳбариятига таклифлар билан чиқиш;

Талаба (ўқувчи)лар кенгаши аъзоларини сайлаш ва унга сайланиш;

Талаба (ўқувчи)лар кенгаши орқали турар жойининг маиший таъминотини такомиллаштириш, тарбиявий ишлар ва маданий ҳордиқни ташкил этиш, яшаш хоналарини жиҳозлаш бўйича масалаларни муҳокама этишда иштирок этиш.

8. Турар жойида яшовчиларнинг мажбуриятлари:



мазкур низом ва турар жойи ички тартиб қоидалари, шунингдек олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси билан тузилган шартнома қоидаларига риоя қилиш;

навбатчилик жадвалига биноан яшаш хоналарида, каватларда, умумий фойдаланиш жойлари (ҳожатхона, ювиниш хонаси, ошхона ва бошқа жойлар) да навбатчилик қилиш;

умумий фойдаланиш жойлари, яшаш хоналари ҳамда дам олиш жойларида намунали тозаликни ташкил этиш, ундаги жиҳозлардан тўғри ва унумли фойдаланиш;

газ, электр жиҳозларидан ҳамда иситиш тизимидан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш;

турар жойидан узок муддатга кетаётиб (ёзги ва кишки таътил, дам олиш, амалиёт, академик таътил олган ҳоллар), турар жойи раҳбарини икки кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб қўйиш;

қундалик эҳтиёжга эга бўлмаган катта ҳажмдаги шахсий ва қимматбаҳо буюмларни турар жойининг буюмлар сақлаш хонасига топшириш;

яшаб турган хонаси ва бошқа умумий фойдаланиш жойларини ҳар доим тоза ва тартибли тутиш;

турар жойида яшовчилар билан доимо самимий, аҳил муносабатда бўлиш;

турар жойидаги мавжуд барча жиҳозларни намунали даражада тутиш;

умумий фойдаланиш жойларига ўрнатилган ёритгичлар, электр ва газ плиталарини бузмаслик, ювиниш хонаси, ошхона ҳамда маънавият ва маърифат хоналаридан тўғри фойдаланиш;

турар жойида ўтказиладиган ҳашарларда, атрофни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида мунтазам равишда қатнашиш;

турар жойи мол-мулкидан тўғри ва унумли фойдаланиш ва зарар етказмаслик;

ўқишни тугатган ёки талабалар сафидан четлаштирилган, академик таътил олган ҳолларда икки кун муддатда, шунингдек турар жойидан узок муддатга кетишдан олдин (ёзги ва кишки таътил, дам олиш, амалиёт) жиҳозларни ва хона қалитини турар жойи раҳбарига қайтариб топшириш.

9. Турар жойида яшовчиларга қуйидагилар ман этилади:

турар жойи раҳбарининг руҳсатсиз бир хонадан иккинчи хонага кўчиб ўтиш;

яшаш хонасида кир ювиш;

хонадаги анжомларни бошқа хонага руҳсатсиз кўчириш;

хонадаги электр тармоқларини ўз хоҳишича ўзгартириш ва қўшимча ёритгич ўрнатиш, деворларга расмлар чизиш ва ёпиштириш;

овоз кучайтирувчи қурилмалардан фойдаланиш, юкори овозда ашула айтиш ва мусиқа асбобларини чалиш (*мусиқа ва санъатга ихтисослашган йўналиш, гуруҳ, факультет талаба (ўқувчи)лари яшовчи турар жойлари бундан мустасно*);

электр иситгичлар ва керосиндан фойдаланиб ишлайдиган асбобларни ишлатиш;

яшаш хонасида бегона шахсларнинг тунаб қолишлари учун жой бериш;

спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш, саклаш, сотиш ҳамда карта ва кимор ўйинларини ўйнаш ва ҳ.к.;

турар жойи хоналарида диний маросимларга оид тадбирлар, йиғинлар ўтказилиши, диний сабоқ берилиши ва ўрганилиши.

10. Турар жойи фаолиятида иштирок этишда фаоллик кўрсатган намунавий хулқли талаба (ўқувчи) қуйидаги тартибда рағбатлантирилади:

миннатдорчилик билдириш;

мактов ёрлиғи топшириш;

эсдалик совгалари билан тақдирлаш;

моддий рағбатлантириш.

11. Турар жойи ички тартиб қоидалари, олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси одоб-ахлоқ қоидаларини бузган талаба (ўқувчи)га нисбатан қуйидаги чоралар кўрилади:



- Хайфсан;
- Турар жойидан чиқариш.

12. Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасасидан четлатилган талаба (ўқувчи) шу хусусида буйруқ чиккандан сўнг ёки бошқа сабаблар бўйича турар жойидан чиқиши белгиланган талаба (ўқувчи) бир hafta муддат ичида турар жойидан чиқарилди.

13. Талаба (ўқувчи) турар жойида фойдаланиб келаётган мол-мулкка бевосита етказилган хақиқий зарарни тўлаши шарт.

### **3-боб. Турар жойининг вазифалари ва функциялари**

14. Турар жойининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

талабалар (ўқувчилар)нинг таълим ва тарбия олишлари учун турар жойида муносиб шарт-шароитлар яратиш;

турар жойига яшаш учун тавсия этилган талабалар (ўқувчилар)ни жойлаштириш, уларнинг контингенти билан самарали иш олиб бориш;

турар жойида талабалар (ўқувчилар)нинг ўзини ўзи бошқарувини ташкил этиш ҳамда ўрнатилган ички тартиб қоидаларига риоя этилишини таъминлаш.

15. Турар жойи ўзига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) талабалар (ўқувчилар)нинг таълим ва тарбия олишлари учун турар жойида муносиб шарт-шароитлар яратишда:

турар жойи иш режасини бугунги кун талаблари ҳамда талабалар (ўқувчилар)нинг хоҳиш-истаклари, жамиятимиздаги ислохотларни инобатга олган ҳолда тайёрлаш ва тасдиқлаш учун киритиш;

турар жойида талабалар (ўқувчилар)нинг яшashi, ўз устида мустақил ишлаши, дам олиши ҳамда спорт, санъат ва бошқа тўғарақларда катнашиши учун шароитлар яратиш;

турар жойида олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси томонидан моддий-техника таъминоти, уни капитал ва жорий таъмирлаш, бинодаги каттик ва юмшоқ мебель, хона жиҳозлари (кўрпа-тўшак, ёпинчиклар ва бошқалар), техника воситаларини сақлаш, таъмирлаш, худудни ободонлаштириш, тозалитини таъминлаш, коммунал-хўжалик хизматлари (иссиқ ва совуқ сув таъминоти, канализация, иссиқ сув қувурларини таъмирлаш) ва бошқа шарт-шароитлар яратиш;

ўқув ва дарс тайёрлаш хонаси, дам олиш хонаси, тиббиёт хонаси, ювиниш хонаси, буюмларни сақлаш хонаси, ошхона, спорт ва кино заллари ва ота-оналар хоналарини мунтазам фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаш;

талабалар (ўқувчилар)ни бўш вақтларини мазмунли ташкиллаштириш учун олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси ва турли ташкилотлар томонидан режа асосида ва режадан ташқари маънавий-маърифий тадбирлар ташкиллаштириш;

б) Турар жойига яшаш учун тавсия этилган талабалар (ўқувчилар)ни жойлаштириш, уларнинг контингенти билан самарали иш олиб боришда:

турар жойида яшашга тавсия этилган талабалар билан "Талабалар (ўқувчилар) турар жойидан хона ва жиҳозлар бериш тўғрисида" шартнома ва "Талабалар (ўқувчилар) турар жойидан хона ва жиҳозларни топшириш-қабул қилиш" далолатномалари тузиш ва тиббий кўрикдан ўтказиш билан боғлиқ ишларни ташкиллаштириш;

талабалар (ўқувчилар)ни яшаш хоналарига жойлаштириш;

санитария-гигиена нормаларининг бажарилишини таъминлаш;

ҳар бир яшаш хонаси учун хона сизимидан келиб чиқиб, яшаш учун зарур анжомлар билан таъминлаш;

турар жойида яшайдиган талабалар (ўқувчилар)нинг шахсий varaғи, улар хақиқдаги умумий маълумотлар ва статистик жалваларни юритиш;

в) турар жойида талабалар (ўқувчилар)нинг ўзини ўзи бошқарувини ташкил этиш ҳамда ўрнатилган ички тартиб қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

турар жойида талабалар (ўқувчилар)нинг ўзини ўзи бошқарувини шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида – Талабалар (ўқувчилар) кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) ташкил этиш;

турар жойида ўрнатилган ички тартиб қоидаларига риоя этилишини таъминлаш.

#### **4-боб. Турар жойи фаолиятини ташкил этиш**

16. Турар жойи ўрнатилган талабалар асосида фаолият юритиши учун олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси ректори (директори) шахсан масъулдир.

17. Турар жойида бешта ташаббус хоналари, дам олиш хоналари, тиббиёт хонаси, ошхона, хожатхона, ювиниш хонаси, ўқув зали, кутубхона, спорт зали, буюмларни сақлаш хонаси ва бошқа хоналар ташкил этилади.

18. Турар жойи ошхона газ плиталари, стол-стул, сув тармоғи, санитария жиҳозлари билан таъминланиши ҳамда ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб бериши шарт.

19. Турар жойини олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси ректори (директори) томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган талабалар (ўқувчилар) турар жойи мудирини бошқаради. Мудир турар жойидан фойдаланиш, ички тартиб қоидаларга риоя қилинишини таъминлаш, талабаларга қулай шароитларни яратишни ташкил этиш учун масъул ҳисобланади.

Турар жойи штатлар бирлигини таъминлаш, уларни ўз хизмат вазифаларини бажаришларини назорат қилиш, талабалар (ўқувчилар) учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ва ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда талабалар (ўқувчилар) ўртасида ташкилий, ҳўжалик, ҳуқуқий-тарбиявий ишларни олиб бориш турар жойи раҳбари томонидан амалга оширилади.

20. Турар жойида раҳбар бошқарувида штатлар жадвалига мувофиқ белгиланадиган ходимлар фаолият юритади.

Таълим муассасасида 1000 нафардан ортиқ талаба истиқомат қиладиган уч ёки ундан зиёд бир-бирига яқин турувчи талабалар турар жойлари бинолари мавжуд бўлганда, талабалар турар жойлари талабалар шаҳарчасига бирлаштирилиши мумкин. Талабалар шаҳарчаси ташкил этилганда 1 бирлик ҳисобида талабалар шаҳарчаси директори лавозими киритилади.

21. Турар жойида олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш масъулияти олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси ёшлар билан ишлаш бўйича проректори (маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари) зиммасига юкланади.

22. Олий таълим муассасалари турар жойида маънавий-ахлоқий тарбия самарадорлиги учун шахсан педагог-тарбиячи (тарбиячи) масъул ҳисобланади. Педагог-тарбиячи (тарбиячи)нинг иш режаси олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси ёшлар билан ишлаш бўйича проректори (маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари) томонидан тасдиқланади ҳамда унинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

23. Турар жойида яшашга тавсия этилган талабалар (ўқувчилар) билан “Талабалар (ўқувчилар) турар жойидан хона ва жиҳозлар бериш тўғрисида” шартнома ва “Талабалар (ўқувчилар) турар жойидан хона ва жиҳозларни топириш-қабул қилиш” далолатномалари тузилади ва талабалар (ўқувчилар)ни тиббий кўрикдан ўтказиш билан боғлиқ ишлар ташкиллаштирилади.

24. Турар жойида яшаш учун талабалар томонидан тўланадиган тўлов миқдори ҳар ўқув йили бошида олий таълим муассасаси Кенгашининг тегишли қарори билан белгиланади. Турар жойида яшаганлик учун тўловларни амалга ошириш муддатлари шартномада белгиланади.

Талаба-ўқувчиларнинг ёзги таътил даври учун тўлов амалга оширилмайди.



25. Турар жойида яшаганлик учун белгиланган тўловларни амалга оширишда олий таълим муассасасининг қуйидаги тоифадаги талабаларига имтиёзлар олий таълим муассасаси Кенгаши томонидан берилиши мумкин:

кўз касалликлари бўйича 1-2-гуруҳ ногиронлари, чин етим ва етим (ота-оналаридан бири вафот этган), Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва кам таъминланган талабалар (ўқувчилар)ни тўловдан озод этиш;

умумий касалликлар бўйича 2-гуруҳ ногиронлари, ўз вазифасини намунали бажариб келаётган Кенгаш раиси, кават сардорлари ҳамда турар жойи кутубхонаси учун масъул талабалар учун умумий тўловдан 50 фоиз чегириш.

26. Талаба ва ўқувчиларни турар жойларига жойлаштиришда мавжуд ўринлардан эҳтиёж ва талаб юқори бўлган ҳолатларда қуйидаги мезонлар кетма-кетлиги асосида ўқувчи ва талабалар устунликка эга бўлади:

- Чин етим талаба-ўқувчилар (курсидан қатъий назар);
- “Меҳрибонлик уйлари” тарбияланувчилари;
- Ногиронлиги мавжуд талаба-ўқувчилар (курсидан қатъий назар);
- Ижтимоий химояга муҳтож, моддий аҳволи оғир талабалар (шунингдек, битта оилада 2 ёки ундан ортиқ шахс тўлов-шартнома асосида ўқиётган бўлса);
- Хориждан келиб тахсил олаётган талабалар;
- 1-2 курс талабалари;
- Талаба (ўқувчи) кизлар;
- Ёшлар иттифокининг фаоллари;
- Халқаро миқёсдаги фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритган талабалар.
- Ёзги таътил даврида “Фидокор” ёшлар меҳнат отряди таркибида талабалар турар жойларини таъмирлашда иштирок этган талабалар;
- Талабалар турар жойида доимий равишда талабалар кенгаши раиси, кават сардорлари ва бошқа жихатлари билан доимий равишда фаоллик кўрсатиб келаётган талабалар;

27. Турар жойининг йиллик иш режаси олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси ректори (директори) томонидан тасдиқланади ва ҳар ярим йилда ўз фаолияти бўйича олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси ректори (директори) Кенгашига ҳисобот беради.

Турар жойининг йиллик иш режаси олиб бориладиган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ҳам камраб олади. Иш режа олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасасининг бошқа таркибий бўлинмалари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

28. Турар жойида амалга ошириладиган маънавий-маърифий ишлар режа асосида турли ташкилотларни жалб қилган ҳолда олиб борилиши мумкин.

29. Турар жойида олиб бориладиган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси ёшлар билан ишлаш бўйича проректори (директор ўринбосари) томонидан мувоқилаштирилади.

#### **5-боб. Турар жойида талабалар (ўқувчилар)нинг ўзини ўзи бошқарувини ташкил этиш**

30. Турар жойида талабалар (ўқувчилар)нинг ўзини ўзи бошқарувини шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида Кенгаш ташкил этилади.

31. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон ёшлар иттифоқи олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси бошланғич ташкилоти тўғрисида ва Талабалар кенгаши тўғрисида низомлар асосида ташкил этади ва олиб боради.

32. Кенгаш раиси фаолият олиб борган даврда турар жойи раҳбарининг ёшлар бўйича маслаҳатчиси ҳисобланади.

33. Кенгашнинг иш режаси ва дастури Кенгаш раиси томонидан ишлаб чиқилиб, бошқарув аъзолари, педагог-тарбиячи билан муҳокама қилинади ҳамда олий ва ўрта

махсус, профессионал таълим муассасаси ёшлар билан ишлаш бўйича проректори (директор ўринбосари) томонидан тасдикланади.

34. Яшовчиларга рағбатлантириш ёки интизомий чоралар кўриш масаласи Кенгаш билан келишилган ҳолда ҳал этилади.

#### **6-боб. Турар жойи фаолиятини назорат қилиш**

35. Турар жойи фаолияти олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси раҳбарияти ва жамоат ташкилотлари томонидан махсус режа асосида ўрганиб борилади ҳамда унинг натижалари олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси Кенгаши йиғилишларида муҳокама этилади.

36. Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасасининг тегишли проректорлари (директор ўринбослари) томонидан доимий назорат этиб борилади ва ўз йўналиши бўйича вазифаларни амалга ошириш юзасидан ректорга таклифлар киритади.

37. Турар жойида билдирилган мулоҳаза ва фикрларини ёзиш учун қайднома дафтари (муҳрланган) бўлиши лозим.

38. Ижтимоий тармоқларда талабалар фикрларини қабул қилиш ташкил этилади ва яшовчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳар ҳафтада бир марта турар жойида тегишли факультет раҳбарияти ва турар жойи раҳбари ва Кенгаш ҳамкорлигида ўрганилиб, муҳокама қилинади ҳамда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

#### **7-боб. Яқуний қондалар**

38. Турар жойини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.



**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
**Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий**  
**ишлар бўйича биринчи проректор**  
**Х.Ҳакимов**  
август 2022 йил



**Талабалар (ўқувчилар) турар жойи намунавий**  
**ИЧКИ ТАРТИБ ҚОИДАЛАРИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Қоидалар Талабалар (ўқувчилар) турар жойи (кейинги ўринларда турар жойи деб юритилади)да ўзаро мулоқот маданиятини ҳамда соғлом маънавий ва ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, шунингдек, турар жойида яшашни, жиҳозлардан, умумий фойдаланиш жойларидан фойдаланишни, турар жойида яшовчи ва ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, турар жойига кириш-чиқиб туриш тартибига солиш мақсадида, олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси барча ходим ва талабалари томонидан турар жойи ҳудудида рўй аттиқлаш шарт бўлган ички тартиб қоидаларини белгилайди.

2. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ҳодим** – белгиланган ёшга етган ҳамда олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси билан меҳнат шартномаси тузган фуқаро;

**навбатчи** – навбатчилик жадвалига мувофиқ навбатчилик ўтовчи педагог ва бошқа ходим;

**талаба** – олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасасига талабалikka қабул қилинган фуқаро;

**яшовчи** – турар жойида яшаётган олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси талабаси (ўқувчиси);

**Талабалар (ўқувчилар) турар жойига талабаларни (ўқувчиларни) жойлаштириш бўйича комиссия** – талабаларни (ўқувчиларни) ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш, яшаш шароитидан доимий хабардор бўлиб туриш ҳамда турар жойига жойлаштиришда ижтимоий адолат, тенглик, инсонпарварлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида ҳар ўқув йили бошида олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси ректори (директори) буйруғи билан тузилган комиссия.

**2-боб. Турар жойидан жой ва жиҳозларни олиш ва қайтариш тартиби**

3. Турар жойига талабаларни (ўқувчиларни) жойлаштириш ҳар ўқув йили бошида Талабалар (ўқувчилар) турар жойига талабаларни (ўқувчиларни) жойлаштириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда комиссия деб юритилади) қарорига мувофиқ амалга оширилади. Комиссия қарори баён билан расмийлаштирилади.

Комиссияга лавозими бўйича олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси ёшлар билан ишлаш бўйича проректори (директор ўринбосари) раислик қилади.

Турар жойида яшашига рухсат олиш учун талабалар (ўқувчилар) ариза билан комиссияга мурожаат этади.

Комиссия ўз фаолиятини бир ўқув йили давомида амалга оширади. Комиссия талабаларни турар жойида яшаши учун рухсат бериш (рад этиш) масаласини кўриб чиқади. Комиссия ўз фаолиятида ижтимоий адолат тамойилларидан келиб чиқиб, энг биринчи навбатда чин етим, етим, боқувчисини йўқотган (ота-онаси вафот этганлиги тўғрисида гувоҳнома тақдим этилганда), II ёки III-гурӯх ногирони (ногиронлик тўғрисида ҳужжат тақдим этилганда), кам таъминланган оилалардан бўлган ҳамда хорижий талабаларни биринчи навбатда турар жойига рухсат беришга эътибор беради.

Комиссия қарорига кўра, турар жойида яшашига рухсат берилган талабалар (ўқувчилар) томонидан жой ва жиҳозлар олиши, умумий фойдаланиш жойларидан фойдаланиши учун олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси билан ўзаро шартнома тузилади.

Турар жойида яшашига рухсат бериш тўғрисидаги комиссия қарори талаба (ўқувчи) ўқишини тугатгунга қадар амал қилади. Агар яшовчи турар жойи ички тартиб қоидалари

ёхуд бошқа талабларни бузса, шартномада белгиланган муддатларда тўловларни амалга оширмаса, у билан тузилган шартнома бекор қилинади ва яшовчи турар жойидан чиқариб юборилади.

4. Талаба (ўқувчи) билан шартнома тузилгач, олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси раҳбари жой ва жиҳозларни тақдим қилади ҳамда ушбу Қоидалар билан таништиради.

5. Турар жойида яшашга рухсат берилганидан сўнг яшовчининг турар жойидаги яшashi, жамоат ишларида фаоллиги ва ҳ.к. ҳолатлар доимий мониторинг қилинади.

Ўқув йили охирида олиб борилган мониторинг натижаси муҳокама қилинади ҳамда олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси ва турар жойи раҳбарияти томонидан яшовчи билан тузилган шартномаларни узайтириш ёки узайтирмаслик масаласини кўриб чиқади ва яшовчига эълон қилади.

6. Турар жойидан жой ва жиҳозлар олишда қонунда белгиланган ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар, шу жумладан чин етим, етим, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси, ногирон, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган талабалар устунлик ҳуқуқига эга бўлади.

7. Турар жойида яшаш учун олинган ҳақ миқдори олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси Кенгаши томонидан белгиланади.

8. Яшовчилар зарурат туғилса, яшаш даврида турар жойи раҳбарининг рухсати билан турар жойининг бир хонасидан иккинчи хонасига ёки турар жойидаги бир бинодан иккинчи бинога кўчиб ўтиши мумкин.

9. Шартнома муддати тугаганидан сўнг яшовчи турар жойи раҳбарига хона ва жиҳозларни бут, тоза ва озода ҳолда қайтаради. Яшовчи, шунингдек ўқишни тугатгач ёки талабалар (ўқувчилар) сафидан четлаштирилган, академик таътил олган ҳолларда икки кун муддатда, шунингдек турар жойидан узок муддатга кетишдан олдин (ёзги ва кишки таътил, дам олиш, амалиёт) жиҳозларни ва хона калитини турар жойи раҳбарига қайтариб топшириши шарт.

10. Яшовчилар шахсий мулкдан фойдаланиши махсус қайд этиш тўғрисидаги ҳужжат орқали амалга оширилади ва уларнинг сакланишини таъминлаш фойдаланишга олган шахс зиммасига юклатилади.

### **3-боб. Турар жойи яшаш хоналари, умумий фойдаланиш жойларидаги тартиб**

11. Турар жойи яшаш хоналари, умумий фойдаланиш жойлари (ҳожатхона, ювиниш хонаси, ошхона ва бошқа жойлар) да санитария-гигиена талаблари таъминланиши шарт.

12. Турар жойида яшовчилар яшаш хонаси, жиҳозлар, умумий фойдаланиш жойлари бутлиги, тоза ва озодалигини саклашлари лозим.

13. Турар жойи биноси атрофи, хоналар, умумий фойдаланиш жойларида жамоат тартибини саклаш, тозаликни таъминлаш мақсадида талабалар орасидан навбатчилик ташкил қилинади.

### **4-боб. Турар жойига кириш-чиқиш тартиби**

14. Турар жойига талаба (ўқувчи)нинг кириши ва чиқиши талабалик (ўқувчи) гувоҳномаси асосида амалга оширилади.

15. Турар жойида яшовчиларга ёзги вақтда кеч соат 22.00 ва кишки вақтда кеч соат 21.00 гача турар жойига киришига рухсат берилади. Даредан бўш вақтларда турли ташкилотларда ишлайдиган, турли тадбирларда иштирок этадиган яшовчиларнинг рўйхати турар жойи раҳбари томонидан тузилади ва тасдиқлаб кўйилади. Ушбу шахсларга истисно тариқасида турар жойига туну-кун кириб чиқишга рухсат берилиши мумкин.

16. Турар жойига келган меҳмонлар, ота-оналар, қариндошлар, дўстлар ва бошқа талабалар (ўқувчилар)нинг кириш-чиқишига фақат турар жойи раҳбари ёки навбатчи рухсат бериши мумкин.

17. Турар жойига бошқа жойдан келганлар ҳақидаги маълумотлар (келиш ва кетиш вақти, паспорт (шахсини тасдиқловчи ҳужжат) маълумотлари, хона рақами кўрсатилган ҳолда) тегишли журналга ёзиб кўйилади ва уларнинг турар жойидан соат 20.00 гача чиқиб кетиши қатъий назорат остида бўлиши шарт. Уларнинг ўз вақтида турар жойидан чиқиб кетишини таъминлаш тақлиф қилган шахс зиммасига юклатилади.



18. Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси талабаси (ўқувчиси), шунингдек, турар жойида яшамайдиган бегона шахслар томонидан турар жойи хонасидан фойдаланишга рухсат бериш ёки имконият яратиш мазкур Қоидаларни кўпол равишда бузиш саналади ва бундай шахсга нисбатан тегишли интизомий жавобгарлик чораси қўлланилади.

19. Турар жойи қоровули, ходимлар ва яшовчилар турар жойи атроф ҳудудларида шубҳали кишилар ва буюмларни кўриб ёки сезиб қолганларида, зудлик билан ички ишлар органлари ёки тегишли ташкилотлар ҳамда олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси раҳбариятига хабар беришлари лозим.

20. Турар жойи қоровули ташки ва ички телефон тармоғи билан таъминланиши шарт. Унинг столида тез ёрдам, ички ишлар органлари, ёнгин хавфсизлиги, электр, газ тармоқлари, ҳокимият, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ректор (директор), проректорлар (директор ўринбосарлари), факультет деканлари, турар жойи раҳбарининг иш, уй ва мобил телефон рақамлари бўлиши шарт.

21. Турар жойидан буюмлар, жиҳозларни олиб чиқиб кетилишига факат тегишли тартибда расмийлаштирилган бухгалтерия ҳужжати асосида рухсат берилди (тегишли тартибда қайд қилинган шахсий буюмлар бундан мустасно).

#### **5-боб. Турар жойида яшовчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

22. Турар жойида яшовчилар қуйидаги ҳуқуқлардан фойдаланадилар:

ўзига ажратилган хонада ўрнатилган ички тартиб-қоидаларига риоя қилган ҳолда яшаш;

турар жойи биноларидаги маданий-маиший жиҳозлардан фойдаланиш;

фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган жиҳоз, мебел ва бошқа буюмларни соzлашни, янгилашни ҳамда маиший хизматлардан фойдаланишда юзага келган камчиликларни бартараф этишни сўраб муурожаат қилиш;

турар жойида ўтказиладиган оммавий-маданий, спорт ва тарбиявий тадбирларда иштирок этиш;

яратилган шарт-шароитлар бўйича олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси раҳбариятига таклифлар билан чиқиш;

Талабалар кенгашининг аъзоларини сайлаш ҳамда унга сайланиш;

Талабалар кенгаши орқали турар жойининг маиший таъминотини такомиллаштириш, тарбиявий ишларни ва маданий ҳордикни ташкил этиш, яшаш хоналарини жиҳозлаш бўйича масалаларни ҳал этишда иштирок этиш.

23. Турар жойида яшовчилар қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

мазкур қоидаларга қатъий амал қилиш;

навбатчилик жадвалига биноан яшаш хоналарида, қаватларда, умумий фойдаланиш жойлари (ҳожатхона, ювиниш хонаси, ошхона ва бошқа жойлар) да навбатчилик қилиш;

умумий фойдаланиш жойлари, яшаш хоналари ҳамда дам олиш жойларида намунали тозаликни ташкил этиш, ундаги жиҳозлардан тўғри ва унумли фойдаланиш;

газ, электр жиҳозларидан ҳамда иситиш тизимидан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш;

турар жойидан узок муддатга кетаётиб (ёзги ва кишки таътил, дам олиш, амалиёт, академик таътил олган ҳоллар), турар жойи раҳбарини икки кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб қўйиш;

қундалик эҳтиёжга эга бўлмаган қатта ҳажмдаги шахсий ва қимматбаҳо буюмларни турар жойининг буюмлар сақлаш хонасига топшириш;

яшаб турган хонаси ва бошқа умумий фойдаланиш жойларини ҳар доим тоза ва тартибли тутиш;

турар жойида яшовчилар билан доимо самимий, аҳил муносабатда бўлиш;

турар жойидаги мавжуд барча жиҳозларни намунали даражада тутиш;

умумий фойдаланиш жойларига ўрнатилган ёриткичлар, электр ва газ плиталарини бузмаслик, ювиниш хонаси, ошхона ҳамда маънавият ва маърифат хоналаридан тўғри фойдаланиш;

турар жойида ўтказиладиган ханарларда, теварак-атрофларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида мунтазам равишда қатнашиш;

турар жойи мол-мулкидан тўғри ва унумли фойдаланиш ва зарар етказмаслик;

ўқишни тугатгач ёки талабалар сафидан четлаштирилган, академик таътил олган ҳолларда икки кун муддатда, шунингдек турар жойидан узоқ муддатга кетишдан олдин (ёзги ва кишки таътил, дам олиш, амалиёт) жиҳозларни ва хона калитини турар жойи раҳбарига қайтариб топшириш.

24. Турар жойида яшовчиларга қуйидагилар катъиян ман этилади:

деразадан чиқинди ва бошқа нарсаларни ташлаш;

эшик кулфларини турар жойи раҳбари руҳсатсиз алмаштириш;

яшаш хонасида кийимларни ювиш, энергия тармоқлари (ўтказгичлар)ни ўз хоҳишича ўзгартириш, уларга уланиш ва қўшимча ёриткич ўрнатиш;

яшаш хонасида оргтехника жиҳозлари, жумладан нусха кўчириш, рангли ва рангсиз принтер ҳамда турли наприёт асбоб-ускуналарини ишлатиш (ноутбук, планшетлар бундан мустасно);

хона деворлари кўринишини ўзгартириш, овоз чиқарувчи қурилмалар овозини ва бошқа овозларни хона ташқарисидан эшитилишига йўл қўйиш ва мусика асбобларини чалиш;

хавфли ва ёнғин чиқариши мумкин бўлган моддалар, тегишли текширувдан ўтмаган ускуналардан фойдаланиш ёки сақлаш;

турар жойи раҳбари ёки навбатчи руҳсатсиз бегона одамларнинг хонада бўлишига йўл қўйиш, хона калитларини бегона шахсларга бериш, ўзбошимчалик билан яшаш хоналарини ўзгартириш;

уй (ёввойи) ҳайвонларини сақлаш;

турар жойига тегишли компьютер, кабел тармоқларига ўзбошимчалик билан ёки тегишли руҳсатсиз уланиш;

яшаш хонасида бошқа шахсларга ҳалакит берадиган йирик ашёларни сақлаш;

турар жойи ҳудудида маст ҳолатда бўлиш, спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, гиёҳванд ҳамда психотроп моддалар сақлаш ёки истеъмол қилиш.

#### **6-боб. Турар жойи раҳбарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

25. Турар жойи раҳбари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Турар жойи ҳаётида фаол иштирок этаётган хулқи намунали талабаларни рағбатлантириш бўйича олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси раҳбариятига таклиф киритиш;

яшовчиларни турар жойининг бир хонасидан бошқа хонасига кўчириш;

фавқулодда вазиятларда, хона калитлари ўз вақтида топширилмаган ҳолатларда хоналар кулфларини очиш;

турар жойида белгиланган тартиб ва қоидалар яшовчи томонидан бузилганида ёки мажбуриятлар бажарилмаганда ўрнатилган тартибда жазо чораларини кўриш бўйича олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси раҳбариятига таклиф киритиш.

26. Турар жойи раҳбари:

белгиланган тартибда хона ва жиҳозларни ўз вақтида яшовчига фойдаланишга бериш;

яшовчиларнинг яшаш хоналари тоза ва озодалигини назорат қилиш ва яшаш шароитларини мунтазам равишда текшириб туриш;

турар жойида яшаш шароитларини яхшилаш ҳамда жорий ва капитал таъмирлаш бўйича чоралар кўриш;

яшовчига берилган жиҳозларнинг яроқлигини доимий назорат қилиш;

тарбиявий, маданий ҳамда спорт-соғломлаштириш тадбирларни ташкил этиш;

ёнғин хавфсизлиги ва жамоат тартиби сақланишини таъминлаш;

тўшак анжомларини ўз вақтида алмаштириш бўйича чоралар кўриш;

турар жойи ҳар бир хоналари санитария-гигиена ҳолатини, шу жумладан гигиена хоналари (ҳожатхона, ҳаммом, ошхона ва х.к.)ни, мавжуд сантехника қурилмалари, иссиқлик, газ, электр таъминоти тизимлари ҳолатини талаб даражасида бўлишини таъминлаш;

турар жойи энергия таъминоти тизимидаги бузилишларни тезкор бартараф этиш чораларини кўриш;



коммунал хизматларда узилишлар рўй берганда ва бошқа авария ҳамда фавқулодда ҳолатларда тегишли тезкор чоралар кўриш, шунингдек олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси раҳбариятини хабардор қилиш;

хуқуқбузарликларни олдини олиш, талабалар билан суҳбат ҳамда тегишли тушунтиришлар ўтказиш, заруратга кўра маслаҳатлар ташкил этиш;

турар жойига келувчиларни назорат қилиш;

мазкур Қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш мажбуриятини олади.

27. Турар жойининг хавфсиз фаолияти учун шарт-шароитлар яратиш, талабалар хавфсизлигини узлуксиз равишда таъминлаш, ёшлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси ходимлари ва талабалари ўртасида ўзаро мулоқот маданиятини ривожлантириш, барча яшовчилар томонидан Талабалар (ўқувчилар) турар жойи тўғрисида Низом, мазкур Қоидалар ва олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаси одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда ички тартиб қоидаларига риоя қилишни таъминлаш учун турар жойи биноларида педагог ва бошқа ходимлардан иборат навбатчилик жорий қилинади. Навбатчиликни ўташ белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **7-боб. Яқуний қоидалар**

28. Мазкур Қоидаларни бузган яшовчиларга қуйидаги жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкин:

хайфсан эълон қилиш;

турар жойидан чиқариб юбориш;

талабалар сафидан четлаштириш.

29. Ушбу Қоидаларни бузган турар жойида яшовчиларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа жавобгарлик чоралар ҳам қўлланилиши мумкин.

  
Yoshlar masalalari va ma'naviy-ma'rifiy  
ishlar bo'yicha birinchi prorektor  
H.Hakimov  
avgust 2022 yil

**O'zbekiston yoshlar ittifoqining O'zbekiston davlat jahon tillari  
universitetidagi Talabalar kengashi to'g'risidagi  
NIZOM**

**I. Umumiy qoidalar**

1.1 Mazkur Nizom O'zbekiston yoshlar ittifoqining O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti Talabalar kengashi faoliyatini tartibga soladi.

1.2 O'zbekiston yoshlar ittifoqining O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti Talabalar kengashi Yoshlar ittifoqining maqsad-vazifalarini O'zbekiston davlat jahon tillari universitetidagi talaba-yoshlarni o'z atrofida birlashtiradigan, ularning manfaatlari va huquqlarini himoya qiladigan eng quyi tuzilma hisoblanadi.

1.3 Talabalar kengashi universitetning Yoshlar ittifoqi maqsad-vazifalariga xayrixoh bo'lgan kamida besh nafar yoshlarining tashabbusi bilan tuziladi hamda Yoshlar ittifoqining mahalliy Kengashlari tomonidan ro'yxatga olinadi.

1.4 Talabalar kengashlari O'zbekiston davlat jahon tillari universitetida O'zbekiston yoshlar ittifoqining faoliyatini amalga oshiradi.

1.5 O'zbekiston davlat jahon tillari universitetidagi Talabalar kengashlari o'zlari joylashgan hududdagi Yoshlar ittifoqining mahalliy Kengashlariga birlashadi.

1.6 O'zbekiston davlat jahon tillari universitetidagi Talabalar kengashlariga O'zbekiston yoshlar ittifoqi Markaziy Kengashi Ijroiya Qo'mitasi qarori bilan yuridik shaxs maqomi berilishi mumkin. Mazkur masalani ko'rib chiqishda birinchi navbatda uning moliyaviy imkoniyatlari hisobga olinadi.

1.7 Talabalar kengashi faoliyati O'zbekiston yoshlar ittifoqining tegishli mahalliy Kengashlari hamda O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti tomonidan muvofiqlashtirib boriladi.

1.8 Talabalar kengashi o'z faoliyatini O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, amaldagi qonun hujjatlari, O'zbekiston yoshlar ittifoqining Ustavi, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti faoliyatiga oid normativ-huquqiy hujjatlar hamda mazkur Nizom asosida amalga oshiradi.

1.9 Talabalar kengashining to'liq nomi:  
davlat tilida kirill yozuvida – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасасидаги Талабалар кенгаши;



davlat tilida lotin yozuvida – O‘zbekiston yoshlar ittifoqining oliy ta‘lim muassasasidagi Talabalar kengashi;

qoraqalpoq tilida – Өзбекстан жаслар аўқамының жоқары оқыў орнындағы Студентлер кеңеси;

rus tilida – Студенческий Совет Союз молодежи Узбекистана в высшем учебном заведении;

ingliz tilida – Students Union of youth union of Uzbekistan in a higher educational institution.

## II. Talabalar kengashining maqsad va vazifalari

2.1 Talabalar kengashining asosiy maqsadi ta‘lim muassasalarida yoshlarning ta‘lim-tarbiya olishi uchun munosib sharoit yaratib berishga ko‘maklashish, yoshlarning huquq va manfaatlarini himoya qilish hamda har tomonlama barkamol shaxslar bo‘lib yetishishga munosib hissa qo‘shishdan iborat.

2.2 Talabalar kengashi o‘z oldiga qo‘yishi lozim bo‘lgan vazifalar:

5 ta muhim tashabbusning O‘zbekiston davlat jahon tillari universitetida joriy etilishini tashkil etish maqsadida:

- Ijodkorlar klubi (1-tashabbus);

- Sport klubi (2-tashabbus);

- Innovatsiya klubi (3-tashabbus);

- Kitobxonlar klubi (4-tashabbus);

- Biznes klubi (5-tashabbus) faoliyatini tashkil etish, rahbarlik qilish va doimiy ravishda muvofiqlashtirib borish;

- saylovoldi dasturida belgilangan chora-tadbirlarni, amaliy ishlarni, loyihalarni O‘zbekiston davlat jahon tillari universiteti miqyosida samarali tashkil etish va o‘tkazish;

- O‘zbekiston davlat jahon tillari universitetidagi talaba-yoshlarning ijtimoiy-iqtisodiy faolligini oshirishga qaratilgan loyihalarni tashkil etish va o‘tkazish;

- O‘zbekiston davlat jahon tillari universiteti yoshlarining muammolari, ta‘lim sifati, fanlarni o‘zlashtirishi, darsliklardan va kutubxonadan foydalanish darajasini o‘rganib va tahlil asosida O‘zbekiston davlat jahon tillari universiteti ma‘muriyati bilan muzokara olib borish, yoshlar murojaatlarini ko‘rib chiqish va hal etishda ko‘maklashish;

- yoshlarning bilim olishi, chet tillarini o‘rganishi va zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini puxta egallashi hamda ularni kasb-hunarga yo‘naltirishga qaratilgan loyihalarni o‘tkazish platformasini yaratish;

- iste‘dodli yoshlarni kashf etish, ularni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash hamda rag‘batlantirishga qaratilgan ishlarni amalga oshirish, intellektual va ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishga ko‘maklashadigan klub va to‘garaklar faoliyatini tashkil etishda ko‘maklashish;

- imkoniyati cheklangan hamda ijtimoiy himoyaga muxtoj yoshlarning inklyuziv ta‘lim olishi uchun qulay sharoit yaratishga qaratilgan faoliyatni qo‘llab-quvvatlash;

- yoshlar o'rtasida kitobxonlikni keng targ'ib qilish, ularning kitobga bo'lgan muhabbatini oshirish va kitobxonlik madaniyatini rivojlantirish;

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti yoshlari o'rtasida yoshlar turizmini rivojlantirish, ularning o'zlari yashayotgan hududdagi tarixiy obidalar, muqaddas qadamjolar, muzeylar, teatrlar, mustaqillik davrida barpo etilgan inshootlarga tashriflarini uyushtirish;

- yoshlar, ayniqsa, talaba qizlar o'rtasida sportni keng targ'ib etish, ularning sportga bo'lgan qiziqishini qo'llab-quvvatlash hamda turli sport musobaqalarida ishtirok etishi uchun zarur sharoitlarni yaratib berish;

- ommaviy axborot vositalarida (ijtimoiy tarmoqlarda) o'z maqsad va vazifalarini ilgari surgan holda faol fuqarolik pozitsiyasini saqlash hamda tahliliy - tanqidiy munosabat bildirish va nodavlat-notijorat tashkilotining eng quyi bo'g'ini sifatida O'zbekiston yoshlar ittifoqining huquq va manfaatlarini himoya qilish;

- rus (va boshqa) tillarda ta'lim oluvchi talaba-yoshlar uchun munosib shart-sharoitlar yaratib berish va oliy ta'lim muassasasidagi ayni shu qatlamdagi talabalar qatlamini to'liq qamrab olgan holda faoliyat olib borish;

### **III. Talabalar kengashining huquq va majburiyatlari**

3.1 Talabalar kengashining huquqlari quyidagilardan iborat:

- O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti yoshlarining huquq va manfaatlarini himoya qilishga qaratilgan o'quv, tarbiya va boshqa jarayonlarda ishtirok etish, mas'ul xodimlar va professor o'qituvchilardan zarur ma'lumotlarni olish hamda nazorat qilish;

- O'zbekiston davlat jahon tillari universitetidagi darslar sifati, professor o'qituvchilar saviyasi va talaba yoshlar bilan munosabati, shuningdek, kutubxona, sport ob'ektlari faoliyatini o'rganish, reydlar, ijtimoiy so'rovlar o'tkazish;

- O'zbekiston davlat jahon tillari universitetidagi sharoitlardan foydalanish, yoshlar ishtirokida to'garaklar, klublar tashkil etish, ish rejadagi chora-tadbirlarning O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti tomonidan moliyalashtirilishini talab etish hamda homiy va hamkorlarni jalb etish;

- O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti yoshlarining muammolari, taklif-tashabbuslari yuzasidan O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti rektori va yuqori turuvchi tashkilotlarga takliflar kiritish;

- nizomda belgilangan tartibda O'zbekiston davlat jahon tillari universitetida qo'shimcha tuzilmalarini tashkil etish;

- faoliyatiga doir ma'lumotlarni tarqatish va targ'ib etish.

Talabalar kengashi tegishli normativ-huquqiy hujjatlarda nazarda tutilgan boshqa huquq va majburiyatlardan ham foydalanishi mumkin.

3.2 Talabalar kengashi a'zolarining majburiyatlari quyidagilardan iborat:

- O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, qonunlari, Yoshlar ittifoqi hamda O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti tomonidan qabul qilingan normativ-huquqiy hujjatlar doirasida faoliyat yuritish, ularda belgilangan tartib-qoidalarga rioya qilish;



- Yoshlar ittifoqining mahalliy Kengashi hamda O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti rahbariga o'z faoliyati to'g'risida hisobotlarni o'rnatilgan tartibda taqdim etib borish;

- Talabalar kengashi uchun ajratilgan xonalar, moddiy-texnik vositalar va mablag'lardan to'g'ri foydalanish;

- O'zbekiston davlat jahon tillari universitetining o'quv, tarbiya va boshqa ishlariga ko'maklashish;

- Bosh menejer Talabalar kengashi faoliyatiga istisno holatlarda aralashishi mumkin.

#### **IV. Talabalar kengashining tashkiliy tuzilishi**

4.1 Talabalar kengashining tashkiliy tuzilmasiga quyidagilar kiradi:

- Bosh menejerni tayinlash;

- fakultet menejerlarini tayinlash;

- talabalar turar-joyi menejerlarini tayinlash;

- Talabalar kengashi saylovi (Prezident va vitseprezidentlar saylanadi);

- Talabalar kengashi qoshidagi tuzilmalar (to'garaklar, klublar va boshqalar).

4.2 Talabalar kengashining saylovi har o'quv yili oxiri (may oyi)da o'tkaziladi.

4.3 Hisobot yig'ilish faoliyati tartibi:

- hisobot yig'ilishi (umumiy yig'ilish) Talabalar kengashining rahbar organi hisoblanadi;

- hisobot yig'ilishi (umumiy yig'ilish) har chorakda bir marta o'tkaziladi;

- hisobot yig'ilishida (umumiy yig'ilish) Talabalar kengashi, tashabbuskor yoshlar guruhi a'zolari, Bosh menejer, fakultet menejer talabalar turar-joyi menejerlarini va Yoshlar ittifoqining faollari ishtirok etadi.

4.4 Talabalar kengashining faoliyat tartibi:

- Talabalar kengashi ijrochi organ bo'lib, O'zbekiston yoshlar ittifoqi Ustavida belgilangan maqsad-vazifalarni to'liq bajarilishini ta'minlaydi;

- Talabalar kengashi tarkibi Bosh menejer tayinlangandan so'ng, Talabalar kengashi saylovi yakunlari natijasiga ko'ra oliy ta'lim muassasasi rahbari tomonidan e'lon qilinadi;

- Talabalar kengashi faoliyatiga talabalar tomonidan saylangan Prezident rahbarlik qiladi.

- Talabalar kengashi tarkibidagi to'garaklar, klublar va boshqa tuzilmalar ishini boshqaradi;

- Bosh menejer Talabalar (yoshlar) kengashi faoliyatini muvofiqlashtirib boradi.

4.5 Bosh menejning vazifasi va faoliyat tartibi:

- Bosh menejer fakultet menejerlarini tayinlaydi (fakultet menejerlariga saylov o'tkazilmaydi).

- Bosh menejer Yoshlar ittifoqining oliy ta'lim muassasasidagi Talabalar kengashi faoliyatining huquqiy bazasini nazorat qiladi hamda Talabalar (yoshlar) kengashi faoliyatini muvofiqlashtirib boradi;

- Talabalar (yoshlar) kengashiga, Talabalar kengashi prezidenti va vitseprezidentlar faoliyatiga uslubiy ko'mak ko'rsatadi, a'zolarining taklif-tashabbuslarini qo'llab-quvvatlaydi;

- Talabalar kengashi uchun belgilangan nomenklatura asosida ish yuritadi, Bosh menejer, yuqori tashkilotlar rahbarlari va O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti rektori topshiriqlarining bajarilishini ta'minlaydi;

- yoshlar masalalariga oid davlat qarorlari va dasturlari ijrosini ta'minlaydi;

- yuqori tashkilotlar va O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti rahbariga Talabalar kengashi faoliyati yuzasidan so'ralgan ma'lumot, axborot va hisobotlarni taqdim etib boradi;

- Talabalar kengashi uchun ajratilgan xona, moddiy-texnik vositalar va mablag'lardan maqsadli foydalanishni ta'minlaydi;

- Talabalar (yoshlar) kengashi a'zolari, Talabalar kengashi prezidenti faoliyatini kuzatib boradi hamda yetakchilik qobiliyatiga ega yoshlardan kadrlar zahirasini mahalliy, hududiy hamda respublika Kengashlariga taqdim etib boradi.

- oylik ish haqi olish bilan bog'liq hisobotlarni O'zbekiston yoshlar ittifoqi hududiy Kengashlariga elektron formatda taqdim etib boradi.

- Bosh menejer O'zbekiston davlat jahon tillari universitetining Talabalar kengashida kuzatuvchi maqomida ishtirok etadi.

- yosh avlodni ona Vatanga muhabbat va sadoqat ruhida tarbiyalash, ularning ongiga milliy istiqlol g'oyasi, milliy qadriyatlar, diniy bag'rikenglik, millatlararo totuvlik va oilaviy qadriyatlarni singdirish;

- yoshlarga O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va qonunlarida belgilangan fuqarolik huquq va burchlarini, fuqarolik jamiyati mohiyatini anglatish, ularga mamlakatda amalga oshirilayotgan demokratik va huquqiy islohotlarning mazmun-mohiyatini tushuntirish;

- yoshlar o'rtasida jinoyatchilik va huquqbuzarlikning oldini olishga qaratilgan huquqiy-tarbiyaviy faoliyatni amalga oshirish;

- yoshlarda "ommaviy madaniyat" niqobi ostidagi zararli illatlar, axborot xurujlari, diniy aqidaparastlik, missionerlik va ekstremistik g'oyalarga qarshi mafkuraviy immunitetni shakllantirish;

## **V. Talabalar kengashi prezidenti va vitseprezidentlarning vakolatlari va faoliyati tartibi:**

### **5.1 Prezidentning vakolatlari va faoliyati tartibi:**

- O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti yoshlarining huquq va manfaatlarini himoya qiladi;

- yoshlar masalalariga oid davlat qarorlari va dasturlari mazmun-mohiyatini talabalar o'rtasida keng targ'ib etish;

- Talabalar kengashi faoliyatini tashkil etadi va uning nomidan ish yuritadi;



- Talabalar kengashi tarkibidagi to'garaklar, klublar va boshqa tuzilmalar ishini boshqaradi;

- Talabalar kengashi uchun ajratilgan xona, moddiy-texnik vositalar va mablag'lardan maqsadli foydalanishni ta'minlaydi.

- Talabalar kengashi qarorida belgilangan vazifalarni bajaradi;

- O'zbekiston davlat jahon tillari universitetidagi jamoatchilik kengashlari faoliyatida ishtirok etadi;

- O'zbekiston davlat jahon tillari universitetidagi yoshlar masalasida chiqarilayotgan buyruqlar va farmoyishlarni o'rganib, muhokama etadi va O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti rahbariyatiga takliflar kiritadi;

- Talabalar kengashi yig'ilishi bayoni qarori dolzarb muammolarning yechimlari ko'rsatib o'tilgan, tasdiqlangan holatida O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti miqyosida amal qiladi.

- Bosh menejer tomonidan bildirilgan taklif va tashabbuslarni Kengash yig'ilishida ko'rib chiqadi.

#### 5.2 Vitseprezidentlarning vakolatlari va faoliyat tartibi:

- vitseprezident (*Academic life*) iqtidorli, imkoniyati cheklangan va ijtimoiy himoyaga muhtoj talaba-yoshlar bilan ishlash, notinch oila farzandlari, tarbiyasi og'ir va nosog'lom muhitga tushib qolgan yoshlarning jamiyatga ijtimoiy moslashuvi hamda darslarni muntazam qoldirib kelayotgan talabalarni ta'lim jarayoniga qaytarish, talaba qizlar o'rtasida erta nikohlarning oldini olish bo'yicha tizimli ishlar olib borish;

- vitseprezident (*Social life*) sport, tanlovlar, festivallar, bayram v.b ko'ngilochar tadbirlar uyushtirish, yoshlarga tibbiy madaniyat, xususan, kasalliklardan himoyalaniish yo'llarini keng tushuntirishga qaratilgan faoliyatni tashkil etish, yoshlar o'rtasida ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish, tabiiy resurslardan oqilona foydalanishni targ'ib qilish orqali ularda ekologik madaniyatni yuksaltirish, ekologik faoliyatga qaratilgan tashabbuslarni qo'llab-quvvatlash;

- vitseprezident (*Human Resources (HR)*) tashkiliy-nazorat va kadrlar bilan ishlash, Talabalar (yoshlar) Kengashi a'zolari, vitseprezidentlar faoliyatini kuzatib boradi hamda yetakchilik qobiliyatiga ega yoshlardan kadrlar zahirasini umumlashtirib borish;

- vitseprezident (*Fundraising*) homiy va hamkorlar bilan ishlash, tashqi aloqalar o'rnatish va tadbirkorlik masalalari

- vitseprezident (*Press service*) matbuot kotibi, Talabalar kengashi faoliyati va amalga oshirilayotgan ishlarni ommaviy axborot vositalarda keng yoritib borish.

## VI. Bosh menejer (yoshlar yetakchisi)ni tayinlash

6.1 Bosh menejer O'zbekiston davlat jahon tillari universitetining taklifiga binoan O'zbekiston yoshlar ittifoqi Markaziy Kengashi komissiyasi suhbat natijasiga ko'ra 35 (o'ttiz besh) yoshdan oshmagan, yoshlar bilan ishlash amaliyotiga ega yosh o'qituvchi (ilmiy xodim) yoki magistrantlar orasidan tayinlanadi.

- Bosh menejer boshqaruvchilik qobiliyati, notiqlik mahorati, tashabbuskorlik va fidoyilik xususiyatlariga tashkilotchilik, jamoat bilan ishlash va ish yuritish bo'yicha bilim-ko'nikma hamda muayyan ish tajribasiga

- zamonaviy fikrlaydigan, strategik tahlil qila oladigan hamda zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bilan ishlash bo'yicha malakaga;

- yoshlar tarbiyasiga salbiy ta'sir qiluvchi buzg'unchi g'oya va mafkuralar, ma'naviy tahdidlar, zararli illatlar haqida yetarli bilim ko'nikma va yetarli tasavvurga;

- mamlakatda olib borilayotgan islohotlar, yoshlarga oid davlat siyosati va ta'lim-tarbiya jarayoniga doir me'yoriy-huquqiy hujjatlar hamda Yoshlar ittifoqi faoliyat tartibi to'g'risida to'liq ma'lumotga ega bo'lishi lozim.

6.2 Bosh menejer lavozimiga munosib ko'rilgan nomzodni komissiya qarori asosida tasdiqlab tegishli vazirlik, idora hamda O'zbekiston davlat jahon tillari universitetiga 10 ish kunida ma'lum qiladi.

6.3 Bosh menejer lavozimiga tasdiqlangan nomzodlar O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti rahbariyatiga Yoshlar ittifoqining Markaziy Kengashi, hududiy (mahalliy) Kengashi hodimlari ishtirokida tanishtiriladi hamda ishonch yorlig'i topshiriladi.

6.4 Bosh menejer lavozimiga tasdiqlangan nomzod ma'lumotlari O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti rasmiy saytida e'lon qilinadi.

6.5 Bosh menejer (O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2017 yil 5 iyulda № 6530-son bilan qayta davlat ro'yxatidan o'tkazilgan O'zbekiston yoshlar ittifoqi Ustavi)ga ko'ra 2,5 yil muddatga tayinlanadi, hisobot saylov yig'ilishlari kamida 2,5 yilda bir marotaba o'tkaziladi.

## **VII. Prezident va vitseprezidentlik uchun nomzodlarga qo'yiladigan talablar**

7.1 Prezident va vitseprezidentlar oliy ta'lim muassasasi bakalavriat ta'lim shakli barcha bosqich talabalari orasidan saylanadi:

- Prezident va vitseprezidentlar boshqaruvchilik qobiliyati, notiqlik mahorati, tashabbuskorlik va fidoyilik xususiyatlariga;

- tashkilotchilik, jamoa bilan ishlash va ish yuritish bo'yicha bilim-ko'nikmaga;

- zamonaviy vakreativ fikrlaydigan, yoshlarni ortidan ergashtira oladigan, faol tashabbuskor hamda zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bilan ishlash bo'yicha malakaga;

- yoshlar tarbiyasiga salbiy ta'sir qiluvchi buzg'unchi g'oya va mafkuralar, ma'naviy tahdidlar, zararli illatlar haqida yetarli tasavvurga ega hamda muammolar yuzasidan tanqidiy tahliliy fikrlash doirasiga ega;

- mamlakatda olib borilayotgan islohotlar, yoshlarga oid davlat siyosati va ta'lim-tarbiya jarayoniga doir me'yoriy-huquqiy hujjatlar hamda Yoshlar ittifoqi faoliyat tartibi to'g'risida to'liq ma'lumotga ega bo'lishi lozim.